O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 10 FEVRAL ◆ SHANBA ◆ № 19 (26.721)

## НАВОИЙ ҲАЗРАТЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Халқимизнинг ўзгалар ибрат олса арзийдиган анъаналари кўп. Бутун башарият кўз ўнгида фахрланишга лойиқ аждодларимиз ундан-да бисёр. Улуғ бобокалонимиз ҳазрат Низомиддин мир Алишер Навоий эса шаксиз миллатимиз кўрки ва ифтихоридир. Мана ўн йилдирки, Ўзбекистон Миллий боғидаги ул зоти шарифнинг маҳобатли ҳайкали пойига халқимиз, юртимизнинг энг муҳтарам меҳмонлари гул қўйиб таъзим этади.

9 февраль куни ушбу муаззам маскан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга қўлларида анвойи гуллар билан талаба-ёшлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва пойтахтимиз меҳмонлари ташриф буюрди. Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ҳазрат таваллудининг 560 йиллигига бағишланган тантанали маросимни очар экан, Навоий шеърияти неча асрлардан буён кишиларни эзгулик сари руҳлантириб келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов бобокалонимиз таваллудига бағишланган бу йилги тантаналар халқимиз ҳаётида ўчмас воқеа бўлиб қолишини алоҳида қайд этди. Негаки, ушбу муборак сана мамлакатимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Истиқлолнинг 10 йиллиги тантаналари билан ҳамоҳанг тарзда нишонланмоқда. Темурийлар салтанатининг маънавий, мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилган, элининг ҳақиқий халқ, миллат бўлиб шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган Алишер Навоийдек фидойи инсоннинг шеърияти доимо хайрли ишларда ҳамнафас бўлиб келмоқда.

Мустақиллик учун кураш йилларида юртимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида буюк мутафаккирнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланиб, Ватанимиз ўз озодлигини қўлга киритган йил — 1991 йил «Алишер Навоий» йили деб эълон қилинди. Зеро, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларининг дебочаси ҳам айнан ана шу қадамжо — Алишер Навоий номи билан юритилувчи боғдан бошланди. Шоир бобомиз ободончилик, юрт фаровонлиги ҳақида қайғургани барчамизга яхши маълум. Шунинг учун ҳам Президентимиз халқимиз, давлатимиз ва истиқлолимиз тақдири ҳал бўлаётган ўша мураккаб пайтларда Алишер Навоий руҳини эъзозлашдек савобли ишларга бош-қош бўлди. Бугунги ҳар соҳада жадал кечаётган ислоҳотларда ҳам ул зотнинг руҳлари мададкор бўлса ажаб эмас.

Маросимда, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А.Орипов, навоийшунос олим А. Ҳайитметов, Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб ўқувчиси Н. Аҳмедова сўзга чиқиб, Навоийнинг ўлмас мероси, ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги беқиёс ўрни хусусида сўз юритди. Тадбир қатнашчилари буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

***

Шу куни шаҳримизнинг Шоирлар хиёбони ҳам адиблар, жамоатчилик вакиллари, олимлар, ёшлар билан гавжум бўлди. Тўпланганлар Навоий ҳазратларининг бой маънавий мероси ҳақида сўзладилар. Тадқиқотчиларнинг маърузалари ажиб ғазалхонликка уланиб кетди.

***

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номи билан юритилувчи Тил ва адабиёт институтида эса Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда шоирнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Навоий ижодининг замонавийлиги», «Шоир насрининг нафосати», «Навоий ва адабиёт назарияси» каби мавзулардаги маърузалар тингланди. Анжуманда туркиялик адабиётшунос олим, профессор Камол Эраслон институт жамоасига бобомизнинг Туркияда чоп этилган «Лисон ут-тайр», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» китобларини топширди.

Юртимиз бўйлаб юбилей тантаналари ва навоийхонлик давом этмоқда.

■ (ЎзА)

*Кейинги йилларда Кегайли туманида қурилиш, ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Янги-янги турар-жойлар, мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.*

*Яқинда туман марказида 450 ўринли касб-ҳунар қурилиш коллежи топширилди. Қурилиш ишларини «Кегайли агроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, шунингдек, Нукус шаҳридаги бир қатор ташкилотлар олиб бордилар. Коллежда 4 мутахассислик — қурувчилар, газ тармоқларини таъмирловчилар, ҳисобчилар, ҳуқуқшунос-иқтисодчи кадрлар тайёрланади.*





*Суратларда:*
1.Муаллим Тозагул Қурбанниёзова дарс машғулотида.
2.Касб-ҳунар қурилиш коллежининг умумий кўриниши.

■ Бердиниёз АЛЛАШОВ олган суратлар

## МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

## ОЗОДЛИК ОДАМНИ ЁШАРТИРАДИ

**Хотима БОБОКАЛОНОВА, Ургут шаҳри**

Айтишадики, ўтган умрни қайтариб бўлмайди. Одам шундай яшаши кераккки, ўтган умрга ачинмасин. Мен болаларни яхши кўраман. Ота-онамдан эрта ажралганим учунми, етимликнинг бир бурда нони заҳматини кўп чекканман. Балки шу нарса мени болалар уйида ишлашга ундагандир. Педагог эмасманми, ота-онасидан ажралган болаларнинг кўнгли нақадар нозиклигини яхши биламан. Умримнинг энг қайноқ дамлари болалар уйида, етим болаларга дарс бериш билан ўтди. Шу даргоҳдан нафақага чиқдим. Ёшим 80 ни қоралади.

Бир вақтлар Ургутдаги болалар уйида тарбиялангганларнинг ўзлариям бобо, момо бўп қолишган. Ҳалиям кўча-кўйда учрашиб қолишса: «Муаллим!» дея ҳаяжон билан гапиришади. Алланечук бўп кетаман. Бирда собиқ ўқувчиларимдан бири шундай деб қолди: «Муаллим! Қаранг, қандай замонлар келди. Эсингиздами, «Болалар, бугун биз ўзимиз яшаган қишлоқ тарихи ҳақида гаплашамиз», десангиз ҳамма жимиб қолган. «Болалар уйида барибир ота-онангизни қўмсайсизлар» деганингизда сизни уришишган. Шунда биз «уйни қўмсаш, ўз қишлоғи тарихини ўрганиш катта хато экан-да, деб тушунганмиз» деди. Ота-онадан қисмат ажратган болаларни тарихидан ҳам ажратдик. Ҳадик билан шундай ўйлаган қанча мурғаккина болаларнинг дийдаси қаттиқ бўп қолди. Ўша пайтлар ўзим ҳам буни чуқур тушуниб етмагандирман. Кейинги йилларда, назаримда, жуда кўп нарсаларни бошқача, бутунлай бошқача фикрлаяпмиз.

Истиқлол даврида болалар уйига муносабат тубдан ўзгарди. Тақдир тақозоси билан «Меҳрибонлик уйи»га келиб қолган гўдаклар энди ўзлигини англаб ўсяпти. Ўзларига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлардан ўксик кўнгиллари малҳам топяпти. Шуларни ўйласам яна болалар бағрига қайтгим келади. Ўзимни маънан доим шундай болалар орасида ҳис қиламан. Назаримда умрим ортга қайтган-у, яна қайта яшаётгандайман. Озодлик одамни қайта яшартиради, деганлари рост. Истиқлол одамларнинг маънавий дунёсини қайта дунёга келтиряпти.

Мен юртбошимизнинг ҳар сафар болаларга, оналарга кўрсатаётган катта эътиборидан кекса муаллим сифатида жуда фахрланаман. Она сифатида эса фақат дуо қиламан. Чунки азалдан халқимиз етимнинг бошини силаган, есирларнинг мушкулини осон қилишни савоб деб билган. У киши элнинг шундай дуосини оляптилар.

Ўн йил тарих учун унча катта вақт эмас. Лекин шу ўн йил тасаввуримизни неча-неча ўн йиллар илгари сурди. Узоқ йиллик муаллимлик фаолиятимга маънан яна ўн йилни «қўшиб қўйдим». Чунки мен руҳан ҳамиша ўша болалар даврасида ўзимни ҳис қилиб яшайман.

Умримни ўн йилга ортга буриб яшаяпман, дейишимнинг боиси шу.

## АБАДИЯТ УМРИ

### Ҳайкал пойида айтилган сўз

Парвардигори олам ер юзи халқларига истеъдоду салоҳият улашганда, бизнинг халқимиздан ҳам ўз марҳаматини дариғ тутмаган экан. Агар тарихимизга дафъатан назар ташласак ҳам бир-биридан буюк зотларга рўбарў келаверамиз. Масалан, ёлғиз Темур бобомизни муҳташам тарих кошонасининг устунларидан бири дейишимиз мумкин. Боболаримизнинг мўътабар даврасида эса Алишер Навоий сиймоси, айниқса, порлаб кўринади. Албатта, ҳар бир халқ қайси бир замонларда яшаб ўтган бўлмасин, ўз донгдор фарзандларини улуғлашга ҳақлидирлар ва тўғри қиладилар. Бироқ, бу манзарага адолат юзасидан ва тамомила холислик билан ёндашадиган бўлсак, даҳолар ичида ҳам энг буюклари борлигига амин бўламиз. Ана шу юксак талаб ва мезон билан қаралган тақдирда ҳам Алишер Навоий даҳоси жаҳондаги энг ғолиб ва музаффар сиймолар қаторидан жой олгусидир.

Ҳай аттанг, неча-неча замонлар буюк боболаримизга беҳурматлик қилинди, ғанимлар шу тариқа халқимизни камситмоқчи бўлдилар. Бу манфур жараён қандай кечганлигини унутган эмасмиз. Ҳуррият гўё тутқун дарёнинг бандини очиб юборди-ю биз яна унинг неъматларидан баҳра ола бошладик. Навоий бобомизнинг ижоди эса ҳеч қачон тинмайдиган, доимо жўшиб тургувчи улкан бир наҳрдир. Навоий ҳазратлари наинки халқимизнинг буюк ифтихори, балки у зотнинг ижодий мероси барча авлодларга эшиги ҳамиша очиқ мактабдир. Алишер Навоий халқимизнинг савиясини, маърифий-маънавий даражасини белгиловчи зотдир.

Азиз дўстлар, Навоий сабоқларидан тўла баҳраманд бўладиган замон мана энди келди. Тарихнинг бундоқ инояти учун биз, албатта, шукроналар айтамиз. Муттасил курашлар эвазига етишган мустақиллигимизни эъзозлаймиз, барча саъй-ҳаракатларимизга раҳнамолик қилаётган юртбошимизга раҳматлар деймиз.

Навоий бобомизнинг таваллуд топганларига 560 йил тўлди. Биз учун бу катта муддат ҳисобланиши мумкин, бироқ абадиятга дахлдор зотлар учун бу сана чексизлик йўлидаги навбатдаги бир поғонадир холос.

***Абадият сўзига қай сўз эгизак,***
***Балки бу орзудир, балки хуш ният.***
***Абадият англанар Навоий десак,***
***Навоий дегани бу — Абадият.***

■ **Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

## ЭЗГУЛИККА ОШНО ЭТАДИ

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб беназир шоир Алишер Навоий таваллудининг муборак 560 йиллиги катта тантана қилинмоқда. Тошкент давлат юридик институтида бўлиб ўтган «Ғазал мулкининг султони» мавзусидаги маънавий-маърифий анжуман ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Институтнинг «Маънавият ва маърифат» бўлими ҳамда Юнусобод тумани «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликда уюштирган ушбу анжуман ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

— Менинг илмий фаолиятим улуғ шоир ижоди билан боғлиқлигидан фахрланаман, — деди институт ректори, профессор Ҳалимбой Бобоев. — Бу ижод менга ҳамиша мадад ва қанот бўлиб келди. Навоий ижоди том маънода эзгуликка ошно этади...

Анжуман қатнашчиси, ёзувчи Йўлдош Сулаймон буюк шоирнинг бебаҳо меросини тўла ўрганиш, уни тарғибот қилиш хусусида гапирди. Сўнгра навоийхонлик мушоираси бошланди. Тадбирда иштирок этган шоирлар ўз эҳтиромларини дилбар шеърлар орқали билдиришди.

■ **Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

## МАСЪУЛИЯТ ЗАРУРИЯТИ

*Ҳозирги давр ёшларимиздан бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, имкон қадар билим олиш, янгиликка интилиш, замонавий зиёли сифатида шаклланиб боришни талаб этади. Ёшларимиз турли оқим ва гуруҳларга кириб қолишдан ўзларини сақлашлари лозим. Менимча, бу жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастурларини ўқиб-ўрганиш, англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Биз ёшлар ўзимизнинг ижтимоий ҳаракатимиз билан юртимизга содиқ ўғлонлар эканимизни исботлашимиз ва барчамиз «Камолот» ижтимоий ҳаракати атрофида бирлашмоғимиз даркор.*

*Бу йўлда «Камолот» ижтимоий ҳаракати ўз сафига ёшларимиз орасидан етишиб чиқаётган билимдон, кашфиётчи, жасур ёшларни бириктириши, улар билан турли жойларда мулоқотда бўлиши керак. Бундан ташқари ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгини шакллантириш, уларга мустақил юрт фарзанди эканлигини тарғиб этиш ҳам ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муҳим вазифасидир. Ёшларнинг етарли даражада илм олиши, турли хил имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шароитларнинг яратилиши ҳақиқатда биз учун ғоят улкан имконият. Ҳар бир ёшнинг эркин фикрга эгалигида, мустақил ҳаётга ўзи танлаган йўл билан киришида ва шу йўлда камол топиб улғайишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим ўрин тутиши керак деб ҳисоблайман.*

■ **Жўрабек СУЯРОВ**

## «МЕН ЎЗ ЙЎЛИМНИ ТАНЛАДИМ»

*Тошкентда «Соғлом авлод учун» нодавлат хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва «Бритиш Американ Тобакко» қўшма корхонаси ҳамкорликда «Мен ўз йўлимни танладим» тарбиявий дастури бўйича «Ўсмир ва соғлом турмуш тарзи» деб номланган семинар кенгаш бўлиб ўтди.*

*Семинардан кўзланган мақсад — яқинда Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан бўлган учрашувидан келиб чиқиб, мазкур учрашувда ўртага ташланган масалалар юзасидан фикр алмашиш, ёшларимизни ҳар хил ёт ғоя ва мафкуралардан асраш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар ўртасида учрайдиган чекиш, спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмоли ҳамда СПИД каби оғир иллатлардан асрашдан иборатдир.*

*Энг муҳими, мазкур йиғилишда дастурда кўзда тутилган «Етакчи — ким у?», «Ўзлигини англаш», «Соғлом турмуш тарзи», «Ўзингни ва ўзгаларни англаб ол» каби мавзулар орқали ёшларимизни мустақил фикрлашга, тенгдошлари ичида етакчилик қилишга, соғлом ҳаёт кечиришга, ёшлар орасида учрайдиган баъзи ёмон иллатларга қарши курашиш учун биринчи навбатда нималарга аҳамият бериш каби масалалар ўртага ташланди.*

*Дастур ўқув йили давомида барча вилоятларда, таълим муассасаларида жорий этилади.*

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ОҒРИҚ

**КОРХОНА ТУРФАЮ МУАММО УХШАШ**



***Яқинда Президент ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлиб ўтган эди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси фаолияти теран таҳлил этилди. Мажлисда мамлакат иқтисодиётининг ҳар бир тармоғи алоҳида-алоҳида кенг қамров майдонида муҳокама қилинди. Ҳар бир тармоқ мутасаддиларининг олдига аниқ-тиниқ саволлар қўйилди. Ана шундай саволлардан бири қуйидагича бўлди: мамлакатимизда изчил иқтисодий тараққиёт йўлидан олға боролмаётган, энг устувор, ҳал қилувчи йўналишларда оқсаётган корхона ва заводлар жамоаларига нималар тўсиқ бўлаяпти? Афсус, мутасаддилар лом-мим дейишолмади. Хўш, нега?***

«Ўзавтотранс» корпорациясига қарашли Тошкентдаги «9-шина тиклаш-таъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «10-автотаъмирлаш» заводларида бўлганимизда мазкур йиғилишда куюнчаклик билан айтилган фикрлар бежиз эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Корхоналарда ўтган йил давомида, бири 18 миллион, иккинчиси 27,5 миллион сўмлик иш бажарганлар, холос. Нега энди, ушбу корхоналарнинг ҳар бири 3-4 гектар ерни эгаллаган ўнлаб цехларга эга бўлишига қарамай, мамлакат иқтисодиётига қўшаётган улуши бунчалик кам? Яқинларда ҳам «9-шина тиклаш-таъмирлаш» корхонасида «Запорожец»дан тортиб «МАЗ»нинг шиналаригача қайта таъмирланар ва юзлаб одам ишлар эди. Бугун эса совуқдан ҳувиллаб ётган цехлар бўм-бўш. Кадрлар бўлимида рўйхатда қайд этилган 37 нафар ишчи ҳам «ўз ҳисобидан» таътилга чиқариб юборилган...

— Вулканизация цехи декабрь ойида бироз ишлади, — дейди бош муҳандис Абдураҳмон Искандаров. — Хомашё йўқлиги сабаб тўхтаб турибди. Буюртмачи бўлса-ку, бир нави эди... Сабил, буюртмачи ҳам йўқ. Омборда эса тўпланиб қолган маҳсулотимиз 1,5 миллион сўмликдан ошиқ...

Механик Равшан Тўланов корхонада «раҳмат»га ишлайдиганлар қолганлигини таъкидлаб, ҳанузгача декабрь ойи учун маош ололмаганликларидан нолиди.

«10-автотаъмирлаш» заводининг фаолияти ҳам юқоридагига ўхшаш. Масалан, яқингинада ҳам завод «ГАЗ-51», «ГАЗ-53», «ГАЗ-93» автомобилларини, «ПАЗ» сингари автобусларни тўлиқ таъмирлаб, ҳар ойда 200 дона автомобиллар тиркамалари ишлаб чиқариб, МДҲ давлатларига экспорт қила бошлаган эди. Бунга ҳам «кўз тегди». 300 нафар ишчи меҳнат қилган масканда бугун 39 киши ишламоқда.

— «МТЗ-80» русумли трактор моторини «ГАЗ-53» автомобилига ўрнатаяпмиз, — дейди йиғувчи уста Мурод Ҳамроев. — Қийинчиликлар бор, бироқ ойига 15-18 минг сўмдан маош олиб турибмиз.

— Ойига 20-25 юк автомобилини табиий газга мослаштиряпмиз, — дейди бўлим бошлиғи Шавкат Аҳроров. — Ўтган йили бўлимимиздаги 4 нафар уста билан 19 миллион сўмлик иш бажардик.

— Ўтган йили заводда бажарилган иш 1999 йилга нисбатан 123 фоизга ўсди, — дейди завод бош директори Комил Қамбаров. — «СамКочАвто» қўшма корхонаси билан ишлаяпмиз. Унда ишлаб чиқарилаётган юк автомобилларига «нон», «почта», «мебель» ёзилган ва уларга мослашган тиркамалар ясаб беряпмиз.

Гапнинг индаллосини айтганда, йил давомида 5 дона «почта», 10 дона «нон» тиркамаларини ясаб берган жамоани «завод» дейиш мумкинми? Йўқ, албатта.

«Ўзавтотранс» тизимидаги ушбу икки корхона ҳам идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида айтилганидек, раҳбарлар нўноқлигиданми, ишнинг кўзини билмаслик оқибатими, боши берк кўчага кириб қолгандек. Раҳбарлар фақат бир гапни: «хомашё йўқ, буюртма йўқ» сингари важкорсонларни рўкач қилишдан нарига ўтмаяпти. Иқтисодий ислоҳотларни ҳар бир жамоада чуқурлаштириш ўша ердаги бошқарувчининг бош вазифаси эканлиги унутиб қўйиляпти.

— Шу масканда 25 йил ишладим, — дейди «9-шина тиклаш таъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Абдураҳмон Искандаров. — Қолганлар ҳам шунча йил ишлаб қўйганлардан. Уларга ҳам, менга ҳам бу ердан кетиш оғир. Биз эса корхонанинг банкрот бўлишидан қўрқамиз. Тўхтаб қолган корхонани қандай бўлмасин ишга туширишимиз лозим...

Ҳар икки корхонада инсон омилига эътибор йўқ. Ошхоналар ёпилган. Ювиниш хоналари ишламайди. Ҳувиллаб ётган цехларда совуқ елвизак эсади. Сал эътиборсизлик шамоллашга, охир-оқибатда турли касалликларга олиб келиши мумкин. Ишчиларни сут-қатиқ билан таъминлаш эсдан чиқарилган.

Ҳа, ҳайҳотдай цехлар бугун бўм-бўш. «Ўзавтотранс» корпорациясига қарашли бу заводларда аҳвол қачон ўнгланар экан?

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЯНГИ ДАВР ОДАМИ

# ОШ ЕДИРМАГАН РАИС

(ОЧЕРК)

## ДЕҲҚОННИ МОТ ҚИЛИШ ҚИЙИН

Ҳозир ҳар кимнинг ўзича иш тутуми бор. Раҳбарликда кимки ишбилармонлик қилса, тадбиркорлик билан иш юритса, жамоасидагилар кўнглини топа билса ўша киши ютаверади. Лекин ўнта бўлса ўрни бошқа деганларидек, ҳамманинг кўнглини топиш, улар ўй-хаёллари, орзу-умидлари билан ҳисоблашишнинг ҳам ўзи бўлмайди, бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин ҳақиқат шуки, жамоадагилар билан ҳисоблашмаган раҳбар узоққа бормайди, жамиятнинг ўз қонуниятлари борки, уни четга суриб қўяди.

Дарвоқе, мавзуга қайтсак.

Уйчида бир танишим бор. Оти Турғунпўлат. Бригадир. Даладан бери келмайди. Кўрган-боққани — дала. Учрашганимизда ўзимча ачиниб қўяман. Бир куни ҳатто бу ачинишимни юзига айтдим ҳам.

— Эй, одам боласи, мундоқ сенам инсон бўл, ер таталаганингтаталаган. Нима роботмисан?

— Ҳа, энди оғайни, тирикчиликда. Шундай пайт ишлаб қолмасанг кейин кеч бўлади. Совуқ яқин.

Яқинда яна учрашиб қолдик. Совуқда дала кезиб юрибди. Этигининг қўнжларигача лой. Ачиндим ва атайин жиғига тегдим:

— Менга қара, оғайни, маданий ҳордиқ деган сўзнинг маънисини биласанми?

— Тушунмадим, ўзим биламан холос, деб юрибсанми, шаҳарлик пўрим бўлиб. Сенинг ўзингдаям маданий ҳордиқ чегараланган-ку, яъни «маршрут» белгиланган-ку: уй — ишхона, ишхона — уй. Яна менга маъни бўлмоқчи бўласан. Худога шукр, қиш бўйи маданий ҳордиқ бизга. Ҳозир эса... Қисқаси, кеча ёққан қор далаларимизга қанча қалинликда тушганини кўриб келяпман. Бунга раисимиз одатлантирган. Қор яхши ёғса, ерга фойдалигини кўп уқтиради. Маданий ҳордиқ ҳақида нима дейишимни биласан. Боя айтганимдек, қишда ерларимиз билан бирга ўзимиз ҳам дам оламиз. Мана яқинда Тошкентга бориб келдик — зиёратга. Энди раисимиз Самарқандга — Имом Бухорий ва Мотуридий зиёратига олиб бормоқчи.

— Эшитдим, Тошкентга ўнта бригадир нима учун борганларингни. Раисингларни кўргани борибсизлар-ку — санаторийга. Бошлиқ-да, а? Қўрқасанлар. — Яна жиғига тегдим гап олиш учун.

— Сен нима, «патхалим», деб ўйлаяпсанми бизни? Унақа замонлар ўтиб кетди, оғайни. Ишласак ўзимиз учун ишлаймиз. Бошқалар ҳам шу. Хоҳламаса ишламаслиги ҳам мумкин, лекин унақада тишламайди. Буни ҳамма билади ва тушунади. Мана, кимдан сўрасанг сўра — аввалги замонлардагидек одамларни далага ҳайдаб чиқиш йўқ — ўзлари чиқишади, ўзлари экиб-тикиб, ҳосилини ҳам ўзлари йиғишади ва қанча даромаду қанча буромад кўришини ҳам яхши билишади. Ишлаган — тишлайди бизда.

Бригадир танишимнинг жавобларидан англадимки, раис бу кадрни танлашда адашмабди. Гапнинг қисқаси, «қишлоқи» оғайнимни мот қилолмадим. Уларнинг дунёқарашидаги ўзгаришларни сезиб, бир ҳисобда қувондим ҳам.

## ТОШКЕНТДА ОШ ҚИЛИШМОҚЧИ ЭДИ, ЛЕКИН...

Ўтган январь ойида Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Тоҳиржон Исматуллаев Тошкентдаги санаторийга соғлиғини тиклаш учун келди. Эшитишимча, «Бу ерда ётганимни ҳеч ким билмай қўя қолсин» деб ўйлабди шекилли, ҳеч кимга айтмабди. Лекин ўзбекчилик-да, бир ёғи қишлоқчилик. Ҳамфикру ҳамкасблар, қадрдонлару жамоадошлар бир-бирини икки кун кўрмаса, дарров сўроқлашади ва йўқлашади.

Қарашсаки, бир ҳафтадан бери раис кўринмайди. Идорадан сўрашса, улар ҳам айтишмабди. Қисқаси, бригадирлар раиснинг Тошкентдалигини унинг рафиқаси Ҳалимахон янгадан сўраб билишибди. Ва ҳаё-ҳуйт, деб 5 та бригадир — Турғунпўлат, Аъзамжон, Ҳалимжон, Жалолиддин, Исроил ва шу хўжаликка меҳнати сингган пенсионерлар — Ҳакимжон Маҳкамов, Илашбой Ҳасанов, Фазлиддин Исомиддинов, Ҳабибулла Деҳқоновлар Тошкентга қараб йўл олишибди. Раис уларни кўриб, ҳангманг бўлиб қолибди.

— Биздан қочиб қутулиб бўпсиз, — гап бошлабди Ҳакимжон ҳожи бобо. — Биз бу ерга раисни эмас, Яратганнинг бандаси, ҳақиқий инсон Тоҳиржонни йўқлаб келдик. Балки бемаврид келгандирмиз. Негаки, сезиб турибмиз, овора бўлишмасин, деб, бизни аягансиз. Шунинг учун «Тошкентдалигимни ҳеч кимга айтманглар», деб идорадагиларга тайинлагансиз. Аяганингиз учун раҳмат. Лекин инсон инсонга тафт беради, дил дилдан қўр олади. Диллашиб, тиллашиб туришни ҳатто биз қарияларгаям ўзингиз ўргатиб, одатлантириб қўйгансиз.

— Раҳмат ота, раҳмат! Сизларни кўриб бошим кўкка етди, — депти энтикиб раис.

— Ундай бўлса, менда таклиф бор, — гапга аралашибди Турғунпўлат бригадир. — Тошкентга ҳадеб келавермаймиз. Шунинг учун эсда қоладиган қилиб зўр ошхўрликни ташкиллаштирсак. Қани харажатини ҳисоб-китоб қилайлик-чи? Ошни мана мен дамлайман, нима дейсизлар?

— Узр, оғайнилар, — дебди раис қатъий. — Ошхўрлик қочмас. Наманганддаги ўзгаришларни яхши биламиз, чунки кўп тушамиз у ерга. Лекин пойтахтга келиш ҳадеб насиб этавермайди. Доим иш билан келамиз, айланишга вақт бўлмайди. Бу ердаги ўзгаришларни ўз кўзингиз билан бир кўрингизлар, дегандим. Шунинг учун Тошкентни ўзим сизларга зиёрат қилдирсам.

— Бу таклиф ҳаммага ёқиб тушди. Негаки, 4-5 йилдан бери ҳали келмагандик бу ерга, — дейди Аъзам бригадир. — Қисқаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Шератон», «Тата» меҳмонхоналарини, Юнусобод, Чилонзор туманларидаги ва Халқлар Дўстлиги, Ғафур Ғулом ҳамда Аҳмад Дониш кўчаларини туташтирувчи янги кўприкларни, Олой, Қўйлиқ, Чорсу, Миробод, Юнусобод бозорларини, теннис кортларини ва бошқа чиройли биноларни кўриб, гапнинг очиғи фахрланиб, кўнглимиз ифтихорга тўлиб кетди. «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси олдидаги гўзаллик ансамблини қаранг: банк, меҳмонхона, аквапарк — бир-бирига уйғун. Олий Мажлис биноси билан Миллий боғнинг сингишиб кетгани-чи! Шу куни барчамизнинг кайфиятимиз кўтарилди. Бу ердаги яратувчилик, бунёдкорликдан руҳимиз қувватланди. Бир чўқим ошни деб чойхонада қолмаганимизга хурсанд бўлдик.



Тоҳиржон раис бошлиқ жамоа Имом ал-Бухорий зиёратида

## БОБОЛАР РУҲИ МАДАД БЕРАДИ

Тоҳиржон Исматуллаев бошлиқ ширкат хўжалигида яхши анъана шаклланган: деҳқончилик мавсуми олдидан мўътабар қадамжоларни жамоа бўлиб зиёрат этиш, дуои фотиҳа қилиб, деҳқончилик ривожини тилаш, боболар руҳидан мадад олишни одат қилишган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Яқинда раиснинг биринчи ўринбосари Абдуғани Турдиев бошчилигида илғор бригада бошлиқлари, ташаббускор ижарачи-пудратчилар, хўжаликда «бели қотган» пенсионерлардан иборат 28 кишилик гуруҳ ташкил қилиниб, Самарқанддаги қайта обод бўлган Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Тошкентдаги Занги ота бува қадамжоларини зиёрат этиб қайтишди. Хўжаликдаги бу анъана бошқаларга ҳам «юққан». Масалан, туманнинг Акрамжон Раҳмонов бошлиқ «Соҳибкор», Икромжон Абдулазизов бошлиқ Ш.Рашидов номли жамоа хўжаликлари аъзолари ҳам мўътабар зотлар зиёратида бўлишди.

— Улуғ алломаларнинг хоку поклари обод этилишида бош бўлган юртбошимизни уларнинг руҳи қўлламоқда. Атиги 10 йилда шунчалар бунёдкорликка эришишнинг ўзи бўладими, — дейди Тоҳиржон раис.

Бир қарашда унинг гапида жон бордек.Ҳар мавсум олдидан боболар руҳини тавоф айлагани учун уларнинг ҳам ишлари илгаридир балки. Ташаббускорлик, замон талаби асосида ишлаш қулоч ёйгани ҳам шунинг учундир. Нима бўлгандаям бошқалар олдида хўжаликнинг юзи ҳали шувут бўлмади.

1999 йили қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида илғорлиги учун вилоят ҳокимлиги томонидан «Тико» автомобили билан тақдирланишган эди. Ўтган йили ҳам кўрсаткичлар чакки бўлмади. Давлатга дон сотиш 1434,3 тонна ўрнига 1630,7 тонна, пахта 1335 тонна ўрнига 1403,1 тонна, пилла 33 тонна ўрнига 33,5 тонна қилиб уддаланди. Соф фойда 7 миллион 531 минг сўмни ташкил этди. Унинг 60 фоизи дивиденд тариқасида пудратчиларга ажратилди.

## ЕР ДАРДИ «ХУРУЖ» ҚИЛСА...

Январнинг совуқ кунлари раис билан Тошкентда учрашдик.

— Зерикмадингизми, раис? — дедим бу гапнинг мавриди бўлмаса-да.

— Зерикдим, — деди. — Фақат саломатлик илинжида ётибман, мажбур бўлиб.

— Зериккудек нимани соғинасиз? Ошна-оғайниларингиз келиб турган бўлса.

— Ерни соғиндим, — деди хўрсиниб.

— Тавба, осмондамас ерда юрибмиз шекилли, — ўсмоқчилаб кўнглига қўл соламан.

— Э, сиз тушунмайсиз. Бу туйғу «дом»да яшайдиганларда нима қилсин, — ўзича ғудранди.

Лекин мен тушундим — бу туйғуни. Буни қалам аҳли яхши тушунади.

Раисда ер дарди «хуруж» қилмоқда эди. Ҳар йили бундай пайтда у далалардаги қорни ўз кўзи билан кўриб келарди-да. Дарвоқе, жамоадошлари Тошкентга уни кўргани келишганда Ҳалимжон бригадирнинг айтишича, раис аввал ерни сўрабди, қанча қор ёққанини сўрабди. Шудгорлар қорга кўмилиб ётганини эшитгач, сал хотиржам тортибди.

Дарҳақиқат, қор — бу даланинг ризқи. Далада эса сиз билан бизнинг ризқимиз битади. Илоҳим, шу ризқимиз зиёда бўлсин.

■ **Алимқул ТОШБЕК ўғли, журналист**

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг, шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котиблари билан ўтказилган, йиғилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажариш ишида партия ташкилотларининг иштироки масалаларига бағишланди.

* * *

Халқ депутатлари Қамаши туман Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда партиядан сайланган депутатлар фаолиятини кучайтириш, жойлардаги ислоҳотларнинг боришида уларнинг иштирокини янада фаоллаштириш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, партия гуруҳининг 2001 йиллардаги иш режаси тасдиқланди.

* * *

Учқўрғон туманида «ХДП кунлари» ўтказилмоқда. Туман партия кенгаши, турли касб эгаси бўлган партия фаоллари иштирокида аҳоли вакиллари билан учрашув, мулоқотлар ташкил этиб, ХДП Дастури ва Низоми ҳақида маъруза, суҳбатлар ташкил этиш орқали, фуқароларни эзгу мақсадлар йўлида бирлашишга даъват қилмоқда. «ХДП кунлари», савол-жавобларга бойлиги билан бирга, партияга аъзо бўлиш истагини билдираётганлар сафининг ўсаётгани билан ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

* * *

ХДП Шайхонтоҳур туман партия кенгаши, «Янги шаҳар» маҳалласида «Диний ақидапарастликка қарши курашда маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги» мавзуида, йиғилиш ўтказди. «Оқлон», «Обиназир» маҳалла фаоллари ва бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирокида ўтган тадбирда, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар ҳожи Турсунов ва Тошкент ислом университети проректори Шайх Абдулазиз Мансур маъруза қилдилар.

* * *

Партия Бешариқ туман кенгаши, «Рабқон» жамоа хўжалигида, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг юқоридаги мавзуга бағишланган, семинарини ўтказди. Унда туман ҳокимлиги, прокуратура ва хотин-қизлар кенгашининг вакиллари иштирок этдилар.

* * *

ХДП Когон туман кенгаши ташаббуси билан, «Бобур» номли маҳаллада, «Конституция — ҳуқуқий таянчимиз» мавзуида, «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон туман кенгаши, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида, «Қорадарё» маҳалласида, «Миллий мафкура ва ҳуқуқ» мавзуида учрашув ўтказди.

* * *

ХДП Асака туман кенгаши ташаббуси билан, «Мустаҳкам» қишлоқ фуқаролар йиғинида, партия фаоллари, маҳалла раислари, котиблари, хотин-қизлар кенгашлари раисалари ва мактаб ўқитувчилари иштирокида, Она ва бола йилига бағишланган, «давра суҳбати» ташкил этилди.

* * *

ХДП Норин туман кенгаши, Хаққулобод тикувчилик фабрикаси бошланғич партия ташкилоти негизида, Она ва бола йилига бағишлаб, «Аёл — уйнинг зийнати», деб номланган, тадбир ўтказди.

* * *

Партия Косонсой туман кенгаши, меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида, «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш — доимий ишимиз» мавзуида, мунтазам равишда учрашув, суҳбатлар ўтказмоқда.

* * *

ХДП Қамаши туман кенгаши ташаббуси билан, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида, учрашув ташкил этилди. Мулоқотда иштирок этган «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси О. Тўраниёзов, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Э. Аҳмедов, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази туман бўлими раҳбари Л. Соатова, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кенгашининг раисаси Д. Холбоева ва бошқалар маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

* * *

Қўрғонтепа тумани агроиқтисодиёт коллежи бошланғич партия ташкилотида, «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Жалақудуқ, Хўжаобод туман ташкилотларида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган, тадбирлар ўтказилмоқда.

* * *

Ушбу мавзуга бағишланган тадбир, Қарши туман кенгаши томонидан, Нодира номли мактабда ҳам ташкил этилди.

* * *

«Уйчинома» газетаси таҳририяти қошидаги «Гулшан» ёш қаламкашлар уюшмасининг навбатдаги машғулотида унинг раҳбари, фаол партиядошимиз Ҳаётий (А.Собиров)га Уйчи туман партия кенгашининг ташаккурномаси тақдим этилди. Мазкур туман партия кенгаши ходимлари, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб, туман марказий кутубхонасида ўтказилган тадбирга бош-қош бўлдилар.

* * *

ХДП Бувайда туман партия кенгаши ёшлар ўртасида спорт билан шуғулланиш масаласига катта эътибор бермоқда. Яқинда, унинг ҳомийлигида, ёшлар орасида, кураш бўйича, мусобақа ўтказилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ОНАЛАР АРДОҚЛИ — БОЛАЛАР СУЮКЛИ

Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят кутубхонаси билан Андижон давлат университети ҳамкорлигида «Оналар ардоқли — болалар суюкли» мавзуида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Оналар ва болалар йили муносабати билан уюштирилган бу кўргазма кўпчиликнинг эътиборини тортиб, маънавий фойда келтирди. Оналар ва болаларнинг бурчларига доир адабиётларга кенг ўрин берилганлиги айни муддао бўлди.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



**Тошкент вилояти марказий касалхонасининг даволаш бўлими мудири Лобар Болтаева катта тиббиёт амалиётига эга. ТошМИни тугатгач, Москвадаги кордиология институтида малака ошириб келган. Олий тоифадаги шифокор қўлида кўплаб беморлар дардларига даво топмоқда.**

**— Бизнинг ишда дейди, — Лобар Расуловна, — фақат ташхисни тўғри қўйишгина эмас, балки самарали даволашни ҳам тайинлаш муҳим ўрин тутади. Беморда соғайишга бўлган ишончни уйғота билиш ҳам алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун самимийлик ва ширинсўзлик зарур. Жамоамиз ана шунга интилади ва ҳаракат қилади.**

СУРАТДА: *шифокор Л. Болтаева бемор М. Жумановани кўздан кечирмоқда.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

# «ВАТАНПАРВАР» ЙИГИТЛАРИ

Ҳар бир ўғил болани ватанпарвар, ҳарб ва зарб илмидан бохабар этиб тарбиялаш азалий зарурат ҳисобланган. Бу борада мудофаага кўмаклашувчи Тошкент вилоят «Ватанпарвар» ташкилотининг «Келес автомобилчилар мактаби»да олиб борилаётган ишлари ёшлар истагига ҳамоҳангдир.

Мактабда курсантлар икки йўналишда таҳсил олмоқда. Айни кезда 127 нафар курсант нафақат «ЗИЛ-131», «КамАЗ» машиналарини бошқаришни ўрганмоқда, балки ҳарбий техника билан ҳам танишмоқдалар.

— Ўтган йили 206 курсант мактабни битирди. Улар Ватанимизнинг сарҳадларида автомобиль ва ҳарбий техникани моҳирлик билан бошқармоқдалар, — дейди мактаб раҳбари Қўчқор Рашидов. — Чунки мактабда ўқув машғулотлари ҳарбийлаштирилган. Билимни амалда қўллаш учун шароит бор. Мураббий ва усталаримиз тажрибаси кадрлар тайёрлашда қўл келмоқда.

■ **Комил ҚИЁМОВ**

ОЧИҚ ГАПЛАР

# МАРКАЗИЙ АРХИВ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Миллат улкан тарихий ўзгаришни бошдан кечирди. Бугун ҳақиқий тарихимизни ҳайрат билан ўқияпмиз. Ўтмишга холис, миллат нуқтаи назаридан қараш имкони туғилди. Босиб ўтилган тарихни холис тиклаш ғоят машаққатли меҳнат. Зотан, биз ёлғон тарих билан яшаган эдик. Бугун миллатнинг ҳақиқий тарихини тиклаяпмиз. Бу жараёнда холисликни белгиловчи меъёр асосан ҳозиргача сақланиб келаётган ҳужжатлар, фактлар, манбалар эканлиги мутахассисларга яхши аён.



Шу маънода архивнинг миллат ҳаётидаги зарурий ўрнини рад этиб бўлмайди. Архивлар тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳам мазкур зарурият орқали юзага келди. Миллатнинг улкан ва бой тарихи, нодир қўлёзмалари мавжудки, уларнинг кўпчилиги ватанимизда бўлса, айримлари ҳалигача ўзга мамлакатларда.

Бу тарихий бойликларни ватанимизга қайтариш борасида ҳозир махсус ҳукумат комиссияси иш олиб бормоқда.

Ҳозирча ўзимиздаги аҳволга назар ташлайлик.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви мазкур тарихий ҳужжатлар, қўлёзмаларни асрайдиган, уни авайлаб авлодларга етказадиган махсус маскан. Марказий архив фаолияти билан яқиндан танишиш, афсуски, тарихий манбаларга бўлган эътибор, уларни асраб-авайлаш, сақлаш зарурий даражада эмаслигини кўрсатди.

Марказий архивда XIII асрдан бошлаб — Бухоро, Хива, Қўқон хонликларига оид бугунги кунгача бўлган республикамизнинг маданий-ижтимоий, иқтисодий ва асосийси, улкан тарихий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, манбалар сақланади. XIII асрга тааллуқли вақф ҳужжатлари сақланишининг ўзиёқ авлодлар учун шарафли. Қолаверса, тарих маълум бир даврда яратилмайди, у замондан замонга тўлдирилиб борилади, янги манбаларга суянади. Архивда 410 минг йиғма жилддан иборат қўлёзмалар бор. Айниқса, чор Россиянинг Туркистондаги сиёсатига доир бой манбалар мавжуд. Уларни ўрганиш, бугун, тарихий нодир манбаларни юртимизга қайтариш тараддудида эканимизда жуда қўл келади.

Умуман, бу манбаларнинг ҳаётий заруратлиги барчамизга аён, биз мазкур нодир ҳужжатлар қай ҳолатда сақланаётганига тўхталмоқчимиз. Биринчи муаммо ҳужжатларни мўътадил, бир хил иқлимда ушлаб турадиган кондиционерларнинг ишламаслиги. Қўлёзмалар учун меъёрдаги «махсус иқлим» 18 даража ҳисобланади. Лекин айни пайтда бу кўрсаткич 7 даражага тушиб қолган. Бу эса ҳужжат-қоғозларнинг емирилишига олиб келиши мумкин. Архив учун зарур бўлган яна бир муҳим ҳимоя воситаларидан бири ўт ўчириш мосламаси. Бундан ўн йиллар аввал қурилиши бошланган автоматик ўт ўчириш қурилмаси ҳозиргача якунланмаган. Тўғрисини айтганда, бу зарурий ускуна унутилган. Агар, бехосдан ўт кетгудек бўлса фақат қоғозлардангина иборат бўлган архивнинг шиддатли ёнғинини тасаввур этиш қийин эмас. Архив директори Эркин Абдуллаев бу муаммоларни бартараф этиш учун маблағ йўқлигини айтди. Нодир тарихий ҳужжат кўз қорачиғидек қўриқланиши лозим бўлган жойда нега ҳар куни электр чироғи 3-4 соатлаб ўчиб туришини директорнинг ўзи ҳам изоҳлай олмайди. Архив биноси чўка бошлаган! Чўкиш бошланганлиги аниқланган, аммо бу жараён ҳозир ҳам давом этмаётганлигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Чўкиш асорати эса ҳозирданоқ бинога ўз таъсирини кўрсатяпти. Архивни қуёшдан ҳимоя қиладиган дераза ойналари синиб, парчаланиб кетаяпти.

Эркин Абдуллаевич бу борада ҳозир музокаралар юритаётганини айтса-да, бироқ бирор умидли жавоб келтирмади. Яна маблағ масаласини таъкидлади. Нима бўлганда ҳам музокаралар якунлангунча архив биноси эсон-омон турса бўлгани.

Хуллас, шунақа гаплар.



Фикримизча, архив биноси, унинг аҳволи билан жиддий шуғулланиш зарурга ўхшайди. Тўғри, архив директори таъкидлаганидек, ҳаммасига маблағ зарур ва бу нарса бугунги кун учун янгилик эмас. Бироқ имконият, чора қидирган иштиёқли кишигина бу муаммоларни бартараф этиши мумкинлиги ҳам директорга аён бўлса керак.

■ **Малик МАНСУР, «Ўзбекистон овози» мухбири**

